


КОМИЛ МУҚИМОВ

**МИТТИ БУНЁДКОРЛАР  
ЁХУД**

**НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАР НИМА?**



**Комил Муқимов**

**Митти бунёдкорлар  
ёхуд  
нанотехнологиялар  
нима?**

**«Kamalak» нашриёти  
Тошкент – 2016**

**УЎК: 821**

**КБК: 84(5Ў)7**

**M35**

**К.Муқимов**

**Митти бунёдкорлар ёхуд нанотехнологиялар нима?/ Илмий-омабоп. Муқимов К. –Тошкент: «Kamalak» нашриёти, 2016 йил, 144 бет.**

Комил Муқимовнинг «Митти бунёдкорлар ёхуд нанотехнологиялар нима?» номли китоби XX аср технологияларидан бири бўлган нанотехнологияларга бағишиланади.

Муалиф фанлараро илмий йўналиш ҳисобланган нанотехнологиялар ҳақида содда, кўпчилик учун тушунарли ва жонли тилда ҳикоя қиласди.

Китобда математик формулалар қўлланмасдан нанотехнологиялар тарихи ва уларнинг воситалари, нанобиотехнологиялар, на-notибиёт, наноэлектроника, квант компьютерлари ва бошқа бир қанча мураккаб масалалар оммабоп тарзда акс эттирилган.

Китоб умумий таълим мактабларининг юкори синф ўқувчилари ва ўқитувчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, олий ўкув юртлари талабалари ҳамда мутахассис бўлмаган ҳозирги замон технологияларига қизиқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

ISBN 978-9943-4013-8-9

©К.Муқимов  
© «Kamalak», 2016

*Хозирги давр – интеллектуал мулк даври. Биз хомашё, хизматлар ва маҳсулотни экспорт қилишидан, интеллектуал мулкни, яъни тафаккур маҳсулотини экспорт қилишига ўтишимиз лозим.*

**Ислом Каримов**

*Ҳар нечук илмдан эшиитсанг бир сўз,  
Уни тинмай ўрган кеча-ю кундуз.*

*Илмдан бир шуъла дилга тушган он  
Шунда билурсанким, илм бепаён.*

*(Абулқосим Фирдавсий “Шоҳнома”)*

## **НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАР НИМА ?**

Инсоният навбатдаги технологик инқилоб бўсағасида турибди. Охирги йилларда фан ва техниканинг ривожи шундай муҳим маррага келиб етдики, ундан ўтиш инсоннинг яшаш шартшароитларини тубдан ўзгартишга қодир. Бу нанотехнологияларни халқ хўжалигининг барча соҳаларига тадбик қилина бошлангани билан боғлиқдир. Дунёдаги кўзга қўринган эксперталарнинг фикрича, компьютерларнинг яратилиши ахборот манипуляциясида қандай инқилоб қилган бўлса, нанотехнологияларнинг материя билан манипуляция қилиши ҳам инсоният ҳаётида ана шундай инқилобни амалга оширади ва XXI аср фан-техникасига замин бўлади.

Келажакдаnanoэлектроника кремний микросхемаларини сикиб чиқаради ва компьютерларнинг умумий кўрсатгичларини минглаб марта оширади. Арzon, енгил ва мустаҳкам нано-материаллар машинасозлик ва қурилишда ишлатиладиган металларнинг ўрнини эгаллайди.

Нанотехнологиялар ёрдамида автомобиль саноати экологик хавфсиз автомобилларни ишлаб чиқаради, уларнинг ички ёнув двигателларидағи бензин ўрнида юқори самарали водород

ёнилғиси ишлатилади. Наноматериаллар асосида тайёрланган, фойдали иш коэфиденти жуда юқори бўлган куёш батареялари энергетикадан ёнувчи ёқилғиларни сиқиб чиқаради. Қолаверса, нанотехнологиялар халқ хўжалигининг исталган соҳасида арzon ва сифатли маҳсулотларни етказиб бериш имконини беради. Улар ёрдамида вақтни тежашимиз, кам харажат қилиб, кўп моддий бойлик ва ноз-неъматларга эга бўлишимиз мумкин.

Келажакда нанотехнологиялар кўпдан-кўп касалликларни, шу жумладан бугунги кунда “давоси йўқ” деб хисобланган саратон (рак), СПИД, паркенсон каби касалликларни енгади ва одамзод умрини кескин узайтиради.

Қисқа қалиб айтганда, нанотехнологиялар келажакда икти-  
садга, турмуш тарзи ва ижтимоий ҳаётга катта таъсир кўрсатади.

Инсоният олдида турган бундай истиқбол дунёда нано-  
технологиялар ва наноматериаллар соҳасидаги илмий-текши-  
риш ишлари ҳажми ва натижалари тез суръатлар билан  
кенгайиб, ўсиб боришига омил бўлмоқда. Бу соҳада эришилган  
янги ютуқлар билан танишганингизда, бир-икки йил аввал ҳомхаёл  
бўлиб туюлган лойиҳалар бугун реал амалга ошаётганини билиб  
хайратланасиз. Нанотехнологиялар соҳаларидағи илмий изла-  
нишлар, эришилган ютуқлари учун берилган Нобел мукофоти  
совриндорларининг сони, ҳозирги кунда ўн нафардан ошди.  
Дунёда, айниқса, ривожланган давлатларда нанотехнологиялар  
соҳасидаги илмий ишланмаларни саноатда татбиқ этишга доир  
ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Нанотехнологиялар HP, NEC ва IBM каби йирик ком-паниялар  
учун энг муҳим устувор йўналишга айланди. Бу компаниялар  
нанотехнологиялар соҳасида илмий изланишлар ва нано-  
қурилмаларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш учун жуда  
катта миқдорда маблаг ажратишмоқда. Нанотехнологиялар  
ёрдамида тайёрланган маҳсулотлар дунё бозорини эгалламоқда.  
Экспертларнинг фикрига кўра, бу маҳсулотларлар бозорининг  
ҳажми 10 – 15 йил давомида ҳар йили 40% га ошиб боради.  
Нанотехнологик маҳсулотларнинг дунё бозоридаги нархи  
яқин йилларда 1 трлн. АҚШ доллардан ошиб кетиши тахмин

қилинмокда. (1-рангли расм) Хуллас, ким нанотехнологияларга эга бўлса, у дунёга эга бўлади!

Хўш, нанотехнологиялар нима ўзи? 1974 йили япониялик физик Нарио Танигучи томонидан биринчи бўлиб илмий истеъмолга “нанотехнология” сўзи киритилди ва бир микрондан кичик ўлчовдаги обьектларни ана шу ном билан аташни таклиф қилинди. “Нанотехнология” сўзи икки атама – “нано” ва “технология” сўзларидан ташкил топган. “Нано” қадимий юончада “nannos” бўлиб, ўзбек тилида “пакана”, “митти” деган маънени англатади. “Нано” – бирор нарсанинг миллиарддан бир қисми, деб қабул қилинган. Масалан, наносекунд (нс) - секунднинг миллиарддан бир қисми, деб тушунамиз. Худди шундай, бир нанометр (қисқача – нм) – метрнинг миллиарддан бир қисмидир (ёки,  $1\text{nm} = 10^{-9}\text{m}$ ). Кўпчилик микрометр ёки микрон ва микроэлектроника сўzlари билан яхши таниш. Микрометр метрнинг миллиондан бир улуши бўлса( $10^{-6}\text{m}$ ), нанометр эса микрометрдан минг марта кичик катталиқдир.

Нанометрни кўз олдига келтиришимиз учун қуйидаги солиштиришларни келтирамиз: ўнта водород атоми (диаметри 0,1 нм) бир чизик бўйича кетма-кет жойлаштирилса, бу масофа 1 нанометрни ташкил қиласди. Кўпчилик атомларнинг диаметрлари 0,1 дан 0,3 нм оралиғида. Масалан, олтин атомининг диаметри 0,28 нм га teng бўлса, метан ( $\text{CH}_4$ ) каби кичик молекулаларнинг чизиқли ўлчамлари ярим нм атрофида, ДНК (дезоксирибонуклеин кислота) спиралининг қалинлиги 2 нм, эритроцитлар диаметри 7000 нм ва одам сочининг қалинлиги 80 000 нм атрофида. Яна бир солиштириш: Одам бармоғининг диаметри Ер шари диаметридан қанча кичик бўлса, нанометр метрдан шунча кичик бўлади. 1- расмда нанометр ўлчамдаги обьектларнинг атроф-муҳитдаги ўрни кўрсатилган.

Нанотехнологиялар иш кўрадиган обьектларнинг ўлчамлари шартли равишда, 1 дан 100 нм оралиғида деб ҳисобланади.

| Дарежа                     | Объект                                 | Ўччами               | БИС(КИС) элементлари и размени | 100 нм = 0,0000001 м |
|----------------------------|--|----------------------|--------------------------------|----------------------|
| Макро масштаб              | Дархат                                 | 10м                  | БИС(КИС) элементлари и размени | 100 нм = 0,0000001 м |
|                            | Одам                                   | 1,7м                 |                                |                      |
|                            | Нинажи                                 | 10 см = 0,1м         |                                |                      |
|                            | Суварек                                | 1 см =0,01 м         |                                |                      |
| Мезо масштаб               | Чумолы, күм заррачка                   | 1 мм = 0,001 м       | БИС(КИС) элементлари и размени | 100 нм = 0,0000001 м |
| Микро масштаб              | Көгөзининг калындығы, тұхымхұжайра     | 100 мкм = 0,0001 м   |                                |                      |
|                            | Одам сочиннег калындығы, биохужайра    | 10 мкм = 0,00001     |                                |                      |
|                            | Көн эритроцити, ичк тәйекчи (мираб)    | 1мкм = 0,000001 м    |                                |                      |
| БИС(КИС)-бюджеттік масштаб | Вирус, углерод нанонан                 | 10 нм = 0,00000001 м | БИС(КИС) элементлари и размени | 1 нм = 0,000000001 м |
|                            | Оксиг молекуласы, ДНК спиралы днаметри |                      |                                |                      |
|                            | Водород атомни днаметри                |                      |                                |                      |

**1-расм Нанометр масштабидаги объектларнинг атроф муҳитдаги ўрни. (Изоҳ: БИС-большая интегральная схема; КИС- катта интеграл схема)**

Энди “технология” атамасига келсак, қадимий юончада “tehne” – “санъат”, “мохирлик”; “logos” эса “фан” демектир. Энциклопедик луғатлардан бирида “технология”га қуйидаги таъриф берилган:

Технология – илк хомашё (холати ва шакли)ни қайта ишлаш, тайёрлаш, ўзгартиш натижасида тайёр маҳсулотни олиш усуллари мажмуасидир.

Технологиялар бир-биридан илк хомашъёниң табиати билан фарқ қиласи. Масалан, ахборот технологиялари ва машинасозлик технологияларининг “илк хомашёси” – ахборот ва металл конструкцияларидир. Бу “хомашёлар” орасидаги кескин фарқ, уларни қайта ишлаш ва ўзгартиш усуллари – ахборот ва машинасозлик технологияларини бир-биридан тубдан фарқ қилишига олиб келади.

Технологиялар ҳақида сўз борганда “юқори технологиялар”

иборасини ҳам ёддан чиқармаслигимиз керак. Бунинг моҳияти нимада? Биламизки, нисбатан яқинда пайдо бўлган, бироқ хозирча кенг тарқалмаган самарали технологиялар юқори технологиялар деб юритилади. Масалан, микроэлектроника соҳасида пайдо бўлган, ҳайратланарли кичик ўлчамлар (микрометр) билан боғлиқ технологиялар юқори технологиялар (“high-tech”) деб аталади. Бундан 30 минг йил муқаддам тошни тараашлаб, текислаш ҳам юқори технология деб хисобланган.

Аслида нанотехнологияларга илмий адабиётда жуда кўп таърифлар берилган. Шунга қарамай, куйидаги таърифлар билан чегараланамиз:

1. Ўлчамлари 100 нм дан кичик компонентларни ўзичига олган, тамоман янги сифатларга эга бўлган ва уларни катта масштабли, тўлақонли ишлайдиган системага айлантиришга имкон берувчи обьектларни назорат остида яратиш, модификациялаш усуллари ва услублари мажмууси нанотехнологиялар дейилади.

2. “*Нанотехнологиялар*” – бу 1-100 нм оралиғида алоҳида атом ва молекулалар билан манипуляция қилишга асосланган технологиялар ва усуллар мажмуасидир.

3. “*Нанотехнологиялар*” – атомлар ва молекулалар билан манипуляция қилиш орқали олдиндан белгиланган атом структурасига эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш усуллари мажмуасидир.

Нанотехнологиялар фаннинг илғор ютуқлари асосида юзага келгани туфайли у юқори технологиялар қаторига киритилади.

Шу ўринда илмий ва оммабоп адабиётларда кенг фойдаланиладиган терминларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

Нанозаррача – атрофидаги муҳит билан аниқ ифодаланган чегараси мавжуд бўлган, учўлчамнинг ҳаммасида 1 дан 100 нм эга бўлган якка жойлашган обьект.

Нанофан – нанометр ўлчамдаги моддий обьектлар ёки уларга қараганда юқорироқ бўлган, аммо наноўлчамли элементлар асосида маълум тартибда жойлашган тизимларнинг хоссаларини ўрганиш, тушунтириб бериш ва олдиндан айта билишга асосланган билимлар тизимиdir.

Наноматериал – ҳеч бўлмаганда бир йўналишда геометрик ўлчами 100 нм дан ошмаган тузилма элементларини ўз ичига олган ва сифат жихатидан янги хусусиятлар, функционал ҳамда эксплуатацион кўрсатгичларга эга бўлган материаллардир.

Нанотизим техникаси – тўлиқ ёки қисман наноматериаллар ва нанотехнологиялар асосида яратилган функционал тугал тизим ва қурилмалардир.

Нанотизим техникасининг кўрсатгичлари, худди шу мақсадда анъанавий технологиялар ёрдамида яратилган тизим ва қурилмалар кўрсатгичларидан юқори сифати билан жиддий фарқ қиласи.

Наносаноат-нанотехнологиялар, наноматериаллар ва нанотизим техникаси асосида маҳсулот яратиш бўйича фаолият кўрсатиши туридир.

## **Нанотехнологиялар тарихи**

“Нанотехнологиялар” термини янги бўлса ҳам, нанометр ўлчамидаги қурилма ва структуралар ҳаёт билан бир вақтда пайдо бўлган. Инсоният наноўлчамли материалларнинг ағзалликларидан қачондан буён фойдаланаётгани маълум эмас. Қадимда одамлар жисмларнинг жуда майда бўлаклари хусусиятлари жисмнинг ўзи хусусиятларига нисбатан бошқача бўлишини билишган. Эрамизнинг IV асрда қадими Рим шишасозлари ясаган шишаларининг таркибига металл нанозарралари киритилган. Ҳозирги кунда Британия музейида Эдонлар қироли Ликургнинг ўлимини тасвирловчи “Ликург қадаҳи” сақланмоқда(2-рангли расм). Олимлар бундай шишаларда ўлчами 50 нм атрофида бўлган 1% олтин ва кумуш, 0,5% марганец нанозарралари борлигини аниқладилар. Агар бу қадаҳ ташқаридан ёритилса яшилсимон рангга, ёруғлик манбаъси ичкарида бўлганда эса, тўқ қизил рангга киради.

Қадаҳнинг бундай ажойиб ва ғаройиб ранглар билан товланишининг сабаби шишадаги металл нанозарраларининг оптик хусусиятларидан эканлиги аниқланди. Қадаҳ ичкаридан

ёритилганда, металларнинг нанозарралари ёруғлик спектрининг кўк ва яшил қисмини ютади ва қизил қисмини қўпроқ ўтказади, ташқаридан ёритилганда эса, кўк ва яшил нурлар қадаҳдан қайтади. Ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган ўрта аср ибодатхоналаридағи шиша витражларининг турли-туман рангда жилваланиши сабаби ҳам шиша таркибида металл нанозарраларининг мавжудлигидадир.


Эрамиздан 300 йил муқаддам қадим ҳинд усталари томонидан яратилган олий нав пўлат Европода дамашқ(шом) пўлати номи билан машҳур бўлган. Шом пўлати ва ундан тайёрланган қуроллар Дамашқ шаҳри оркали Европога тарқалганлиги учун унга шундай ном берилган бўлиши мумкин.

Бу пўлатдан ясалган қуроллар жуда катта эластиклиги (эгилувчанлиги) билан бирга мустаҳкам ва ўткир бўлиб, пўлат совут (кольчуга)ни ҳам кеса олган.

Бундай афсонавий қуроллардан бири дамашқ ханжари 1095 - 1270 йилларда ислом цивилизациясини Фарбий Европа рицарларининг тажовузкор “салиб” юришларидан ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнаган. Ханжарнинг бундай ажойиб хусусиятлари сирини Дрезден университети олимлари очишига эришдилар. Улар XVII-асрда Ҳиндистонда ясалган ҳақиқий шом ханжарини электрон микроскоп остида текшириб, унинг ичида яқиндагина кашф этилган углерод нанонайлари (нанонай билан кейинроқ танишасиз) билан бирга цементит (пўлатни мустаҳкамловчи – темир карбиди) нанотолалари борлигини аниқладилар(

Бу нима? Қадим шишасоз ва темирчилар онгли равища модданинг структурасини яхши билиб, шундай ажойиб нарсаларни бунёд қилганларми ёки мунаvvар интуиция уларнинг йўлини ёритганми? Балки, улар ўзлари билмасдан туриб, нанообъектлар билан манипуляция қилгандирлар?

Нобел мукофоти лауреати, йирик физик Ричард Фейнман (3-расм)нанотехнологияларининг асосчиси, деб ҳисобланади.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/1991> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1991> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно  
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/1991>